

Қайтар дунё



07:00 / 17.12.2018 4283

Бир киши хотини билан қовурилган товуқ еб ўтирар эди. Кимдир эшикни тақиллатиб, “Хайр садақа қилинг, ночор, мусофир одамман,” деди. Эр ғазаб билан чиқиб, тиланчини ҳайдаб солди. Келган одам афсусланиб, маҳзун ҳолда қайтиб кетди. Замон айланиб, бу киши камбағал бўлиб қолди. Бор-буди қўлдан кетиб, тиланчилик қилишга мажбур бўлиб қолди, хотинини ҳам талоқ қилди. Тирикчилик қила олмай, юртини ташлаб чиқиб кетди. У энди кўчаларда юрар, эҳсон ва садақалар еб кун кўрар эди. Хотини эса бошқа қишлоқдаги бир кишига турмушга чиқди.

Бир куни у кейинги эри билан қовурилган товуқ билан нон еб ўтирган эди, бир тиланчи эшик қоқиб келди. Эр хотинига: “Мана шу товуқни олиб чиқиб бер. Манави иккита нонни ҳам қўшиб бера қол”, деди. Аёл егуликни олиб чиқса, не кўз билан кўрсинки, тиланчи собиқ эри экан. Аёл товуқ билан

нонни унга тутқазди-ю, йиғлаганча уйига кириб кетди. Ҳайрон бўлиб турган эрига “Келган гадо собиқ эрим экан. Бир мусофир тиланчини ҳайдаб солгач, ўзининг бошига ҳам шу кун тушиб, мени ҳам талоқ қилган эди”, деди. Эр бир муддат бошини қуйи солиб турди-да, “Сизларникига борган ўша мусофир мен эдим”, деди.

“Солиҳлар гулшани” китобидан